

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ.
№ 93 (4084).

14
МАЙ

ЧОРШАНБА
1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XV пленуми 13 майда ўз ишини бошлади. Пленумга шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари таклиф этилди.

Пленумнинг кун тартиби:

1. КПССнинг XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида республика колхоз ва совхозларида чорвачиликни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида.

2. Комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволи ва бу раҳбарликни янада яхшилаш чоралари тўғрисида.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиссий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ кун тартибидagi биринчи масала юзасидан доклад қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. АБДУРАЗЗОҚОВ, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. УСМОНОВ, Андижон область ижроия комитетининг раиси П. ҚАЮМОВ, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. МҲР-

ТАЗОВЕВ, Фориш район партия комитетининг биринчи секретари С. ЕСИМОВ, Қашқадарь область партия комитетининг биринчи секретари Р. ГОИИПОВ, Поп районидagi Ленин номи колхозининг раиси А. ОДИЛОВ, Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. У. УМАРОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Хазорасп районидagi Наримонов номи колхозининг раиси И. ДҲСОВ, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ж. СУДОИБЕРДИЕВ, Сурхондарь область ижроия комитетининг раиси М. УМАРОВ, Қонимех районидagi «Коммунизм» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. АЙМАКОВ, «Узгавзгазотскоткорм» бошланғи В. Г. МАКОТРО, чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори Ш. АҚМАЛЖОНОВ, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими mudirининг ўринбосари Н. П. РУДЕНКО қатнашдилар.

Пленумнинг ишида КПСС Марказий Комитетининг сектор mudiri Т. Н. ОСЕТРОВ, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Т. А. КУЦЕНКО, СССР Қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари И. П. ВОЛОВЧЕНКО қатнашмоқда.

Пленум 14 майда ўз ишини давом эттиради.

НАВБАТ ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА

Бекобод районининг пахтакорлари сифатли ишланган 20464 гектар ерга чигит экиб бўлиб, пахта учун курашнинг биринчи босқичини муваффақиятли тугалладилар.

Район пахтакорлари зарбдор беш йилликнинг тўртинчи йилида давлат хирмонига 47 минг тонна «оқ олтин» ўқини учун социалистик мажбурият олганлар. Улар ҳосилдорликни гектар бошига 24,5 центнерга етказиш, деб астойдил курашмоқдалар.

Бекободлик деҳқонлар 15 минг гектардан кўпроқ майдонга квадрат-уялаб 1100 гектар ерга кенг қаторлаб барана уруғи қадашди. Бу ишларда «Победа», «Коммунизм», Ленин номи, Навоий номи колхозларнинг аъзолари, илгор совхозларнинг ишчилари ғайрат-шижоат кўрсатдилар.

Янгийўл, Оқдўғон, Юқори Чирчиқ, Бўка районларининг пахтакорлари ҳам чигит экишни тезроқ тугаллаш ҳаракатидалар. Бу районларнинг хўжаликларидида ҳам айрим далаларда ғўза парварииш бошлаб юборилди.

Доҳиймиз В. И. Ленин тугалган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун кураш бошлаган областимизнинг пахтакорлари 356 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини кўтариш учун фидонорона меҳнат қилмоқдалар.

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА МАҚКАЖУХОРИ
ВА ШОЛИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 13
МАЙГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Гектар ҳисобида)

Районлар	Мақкажухори экиш плани	Экилган майдон	Планининг бана процент	Шоли экиш плани	Экилган майдон	Планининг бана процент
Калинин	1237	1148	92,8	257	93	36,2
Оржоникидзе	1002	912	91,0	240	12	5,0
Янгийўл	1653	1106	66,9	434	2	0,5
Оқдўғон	2575	1701	66,0	762	56	7,3
Ғрта Чирчиқ	3184	2080	65,3	2390	3	0,1
Бўка	2999	1854	61,8	2257	77	3,4
Бекобод	2193	1293	59,0	1235	59	4,8
Бўстонлиқ	1589	844	53,1	2127	70	3,3
Область бўйича	17505	11475	65,5	9802	372	3,8

*) Маълумотга Киров тажриба ўқув хўжалиги нотўғри киртилган.



КОМПЛЕКС ИШЛОВ БЕРИШНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Колхозчиларимиз эрта қўқламдан бери астойдил меҳнат қилганлар. Ҳар бир зинада ишлаётган колхозлар кўчатларини белгиланган қилиқликда бўлиши ва уларнинг мўл ҳосил тўплаши учун барча чораларни кўрғатдилар. Биз экин ишларини анча кеч томонладик, Лекин шунга қарамай, барча майдонларда чигитни тувроқнинг ўз намида, қисқа вақт ичида ундириб олинди. Эндиги асосий вазифа ниҳолларни меҳр билан парварииш қилиши намунали ташкил этишдан иборатдир. Пахтакорларимиз режа билан ишлашяпти. Ҳар бир кундан самарали фойдаланган ҳолда қатор ораларига ишлов беришлар.

Яқинда колхозчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ғўза парвариишнинг қандай ўтказилиши ҳақидаги масалалар борма-бир белгиланган чўқилди. Тажрибали мутахассислар ўз фикрларини ўртага ташладилар. Ғўза парварииш билан бир вақтда озиклантириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ғўза қанчаллик эрта озиклантирилса, унинг ривожини шунчаллик тезлашади. Томирлари мустаҳкам бўлиб, ҳосил шохлари кўпаяверади. Биз шу кунларда ғўзаларни қўдалангига култивация қилиш билан бирга йиллик норманинг 50 процентини миқдорда ўқитиш ҳозирнинг ўзинида соляпмиз. Яхши ривожланиб ўзини тўтиб олган ғўза қатор ораларидида яғналалаш ҳам қизгин тус олди. Бу иш ҳам қисқа вақт ичида муваффақиятли таомоланади.

850 гектар ердан 150 гектарига анча кечикчиб чигит экилди. Бундай майдонларда ғўзаларни ҳам яқин кун ичида озидиги ғўзалар қаторига етказиб олишга ҳаракат қиламиз. Айниқса бу майдонлардаги кўчатлар сифатли парварииш қилинмоқда. Озиклантирилиб, чопиқдан чиқарилаётган. Култиваторлар сонини 21 тадан 28 тага етказдик. Бу эса қатор ораларига биринчи комплекс ишлов бериши намида бир ҳафтага қисқартириш имконини беради.

Ашурали Ниезов бошлиқ 2-участканинг 7-8-9-звеноларида пахтакорлар ниҳолларини тез ривожлантириш ва барвақт ҳосилга киратиш иштини билан меҳнат қилаётдилар. Ғўзалар олинган. Ғўза қўчалардан чим келтирилган. Яғна қилиш, сугориш ҳам қўчалардагидек кетаяпти. Бундай қўчалардаги фактларни хўжаликнинг бошқа участкаларида ҳам кўриш мумкин.

Биз май ойини ишлаб чиқаришда янги кўрсаткичларни қўлга киритиш билан яқуллаймиз. 20 майга қадар яғнагани ва озиклантиришни, 5 июнгача эса биринчи суви тахминлаймиз.

Х. АҚРОМОВ,
Янгийўл районидидаги Навоий номи колхозининг раиси.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ КОЛХОЗНИНГ ЯНГИ НАМУНАЛИ УСТАВИ ЛОЙИХА- СИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДА


Колхознинг янги намунаси устави лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган илмий конференция 13 майда Москвада СССР Фанлар академиясининг давлат ва ҳуқуқ институтидида очилди. Илмий ходимлар — иттифоддош республикалардаги юристлар ва экономистлар, ҳуқуқ масалалари бўйича мутахассислар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг вакиллари, колхозларнинг раислари илмий конференцияга тўғиланишди. Конференциянинг ишида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Конференцияда давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. М. Чхиквадзе, СССР Фанлар академиясининг давлат ва ҳуқуқ институтини қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий проблемалари секторининг mudiri, юридик фанлар доктори профессор М. И. Козирь, СССР қишлоқ хўжалик министрлиги колхоз ишлари бошқармаси бошланғининг ўринбосари Л. И. Зайцев ва РСФСР қишлоқ хўжалик министрлиги колхоз ишлари Бош бошқармасининг бошланғи В. С. Якушев доклад қилдилар. Илмий конференцияда колхоз йлги намунаси устави-нинг лойиҳаси юзасидан қилинган докладлар муҳокама этила бошланди. (ТАСС).

ҚЎЙЧИЛИК МАСА- ЛАСИГА БАҒИШ- ЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Қўйчилик масаласига бағишланган халқаро семинар қатнашчилари Тошкентга келишди. Озигўнақат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шугулланувчи халқаро ташкилот уюштирган бу семинар Ўзбекистонда бир ҳафта давом этади.

Афғонистон, Венгрия, Иордания, Ироқ, Эрон, Кения, Марокаш, Монголия, Бирлашган Араб Республикаси, Покистон, Польша, Руминия, Сурия, Судан, Танзания, Туркия, Эфиопия ва Югославия мутахассислари ҳамда олимлари республиканинг илмий-тадқиқот институтларида лекция тинглайдилар. Улар қорақўл қўяларни боқиб ўстириш тажрибаси билан, қорақўл селекцияси ва ветеринария хизмати билан танишадилар. (ЎзТАГ).



Янгийўл районидидаги Карл Маркс номи колхозда ғўза парварииш қизгин бошлаб юборилди. А. Бўриев бошлиқ илгор звено аъзолари беш йилликнинг тўртинчи йилида 50 гектар майдонга чигит экиб, 28 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Суратларда: (чапдан ўнгга) 1. Илгор звено бошланғи А. Бўриев, 2. Ғўзага ишлов бериш пайти, 3. Колхоз раиси Х. Салимов ва бош инженер М. Абдуллаев ўртоқлар култивация сифатини текшириб кўрмоқдалар.



